



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 4-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

Layli Baxtiyorovna Navruz-zoda Kichik biznes raqobatbardoshligini baholovchi sun'iy intellekt kompozit indeksi	159
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Iltom Begmatdulobovich Mattiyev Stressni boshqarish va sog'lom hayot tarzi odatlari	163
Nargiza Muzafarovna Babaeva Biznesni muvaffaqiyatli bo'lishida ta'lim va tajribaning ta'sir darajasi tahlili	167
Камилла Бахромовна Суюнова, Шахзода Абборовна Фаилова Маркетинг инноваций как фактор динамического роста отраслей экономики Узбекистана	172
Xilola Nematovna Ochilova Lavozimlar greydingining mohiyati hamda davlat va nodavlat tashkilotlarida lavozimlar greydingi tizimini qo'llanilishi	176
Nigina Ma'rufovna Usmanova, Abdulxofiz Jamshid o'g'li Hamrayev Sun'iy intellektning inson resurslarini boshqarishni takomillashtirishga ta'siri	182
Azizjon Isroiljonovich Ibroximov Korxonada xodimlarini boshqarishda KPI tizimidan samarali foydalanish yo'llari	188
ИНВЕСТИЦИЯ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ	
Насиба Акбаржонова Усманова, Жахонгир Санжарович Каримов Проблемы при планировании проекта. иерархическое распределение работ как ключ к решению	191
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Rahmonkul Hamidovich Djalilov Respublikamizda bilvosita soliqlar auditining nazariy masalalari	195
Бобур Фарходович Боронов, Дилноза Гафуровна Худайназарова, Хушвақт Мансурович Ёдгоров Фармацевтика корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий масалалари	198
Анвар Нематович Холиқулов, Азамат Ҳамроқулович Рахимов Автомобиль сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили	203
Olimjon G'ayrat o'g'li Fattoyev Aholi daromadlari tarkibi va dinamikasi tahlili asosida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni takomillashtirish	207
Насиба Акбаржонова Усманова, Асель Армановна Сулейманова Анализ востребованных компетенций на рынке труда и их влияние на HR-стратегии компаний.	211
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Akram Abduraxmonovich Azizqulov G'azzoliy ta'lim jarayonida shogirdning odobi xususida . (Abu Homid G'azzoliyning ta'lim-tarbiyaga oid qarashlarida shogird odobi xususida)	215
Sarvar Ayubovna Isxakova, Shaxzoda Shuxratovna Amriyeva Oliy ta'lim tizimining samaradorligini oshirish yo'nalishlari	220
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев Метод ва методологиянинг мазмуни ва фарқлари Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари	225

ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯНИНГ МАЗМУНИ ВА ФАРҚЛАРИ

Ҳозирги пайтда метод ва методология тушунчаларининг мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро фарқлари бўйича анча чалкашликлар учраб турмоқда. Шу туфайли ушбу иккита тушунча бўйича ўз фикрларимизни билдиришни мақсад қилиб олдик.

Метод деганда, муайян мақсадга эришиш учун бирор жараёни, илм-фанни, тадқиқотни, ўқитишни ёки бошқарувни тўғри ва самарали амалга ошириш учун танланадиган аниқ усуллар, йўл, ҳаракатлар мажмуаси тушунилади.

Метод илмий тадқиқотларда, таълим бериш жараёнида, бошқарувда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки бошқа соҳаларда муаммони ҳал қилишнинг **амалий қадамларини** белгилайди.

Методнинг асосий мазмуни, биринчидан, мақсадга эришиш йўлини белгилайди, яъни нимани қандай қилиб бажаришни кўрсатиб беради. Шу жиҳатдан ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бир қанча ўзига хос методлари ҳам мавжуд.

Иккинчидан, фаолиятнинг тегишли тартибларини белгилайди. Бунда тегишли жараён қай тартибда, қандай қадамлар билан амалга оширилиш йўналишларини тушунтириб беради. Чунки тадқиқот йўналишлари турли (вақт нуқтаи назаридан, соҳа нуқтаи назаридан, ҳудуд нуқтаи назаридан ва ҳ.к.) бўлиши табиий.


Учинчидан, метод аниқ восита ва усулларни ўз ичига олади. Бунга мисол қилиб, турли йўналишларда кузатиш, ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш, турли йўналишларда таққослаш, тажрибалар ўтказиш, ўқитишнинг турли усулларидан (назарий таълим, амалий таълим, касбга ўргатиш, дуал таълим ва ҳ.к.) фойдаланиш кабиларни келтириш мумкин.

Тўртинчидан, методнинг яна бир хусусияти, муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул, қисқа ва арзон йўлини танлаш имкониятини ҳам яратади. Натижада энг тез ва тўғри ечимларни топиш имкониятларига эга бўлади. Бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини ошириш билан бирга рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш имкониятини ҳам яратади.

Шундай қилиб, метод – бу белгиланган мақсадга эришиш учун қўлланиладиган амалий усуллар ва йўллар мажмуасидан иборат экан, деган хулосанинг асослигига амин бўлиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, методнинг ўзига хос хусусиятларини умумлаштирган ҳолда ифодалайдиган бўлсак, у энг аввало, аниқ ва амалда қўлланиладиган усуллар бўлса, яна бир жиҳати бирор жараёни қандай бажаришни кўрсатиб бера олади. Метод шунингдек, тадқиқотнинг ёки ишнинг “қадам ба қадам” йўлини белгилайди. Булардан кузатиш, таҳлил қилиш, тажриба ўтказиш, умумлаштириш, ҳисоб-китобларни қилиб тегишли хулосаларни ва булар асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Методология деганда, методларнинг моҳияти, уларнинг илмий асослари, таркиби ва тузилишини ўрганувчи **назарий таълим**от тшунилади. Яъни методология — бу методлар тузилмаси, уларни қандай танлаш ва қандай қўллаш кераклигини белгилайдиган илмий-назарий фан ҳисобланади.



1-расм. Метод ва методологиянинг таркиби ва фарқлари

Кўриниб турибдики, методологиянинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд экан. Ушбу хусусиятларга унинг назарий характерга эга эканлиги, методларни танлаш, асослаш ва

қўллаш қоидаларини белгилай олишлиги, тадқиқотнинг умумий концепциясини ярата олиш имкониятининг мавжудлигини киритиш мумкин. Бунга бир қанча мисолларни эътибога олиш лозимдир. Жумладан, булар таркибига илмий методология, педагогик методология, философик методология, илмий-тадқиқот методологияси кабиларни киришини қайд этиш мумкин.

1-жадвал

Метод ва методологиянинг турли йўналишлардаги фарқлари

Тушунча	Метод	Методология
Мазмуни	Маълум ишни бажариш учун амалий усул ҳисобланади	Бир қанча методлар ҳақидаги назария ва таълимот ҳисобланади
Нимага хизмат қилади?	Мақсадга эришиш учун аниқ қадамларни белгилайди	Мақсадга эришиш учун методларни танлаш, асослаш ва ташкил қилишни ўргатади
Хусусияти	Амалиётга хос	Илмий-назарий, концептуал каби йўналишлар қамраб олинади
Савол қандай?	“Қандай усулда бажарамиз?”	“Нима учун шу методни танлаймиз ва қандай қоидада?”
Натижа	Амалий натижа беради	Тадқиқотнинг умумий илмий-назарий ёндашувини белгилайди

Жадвалдан кўриниб турибдики, метод – бу амалиётга хос амалий усул бўлса, методология – бу бевосита усуллар ҳақидаги назария бўлиб ҳисобланади. Пировардида метод “нима қилиш кераклигини” айтса, методология “нега ва қандай танлаш кераклигини” назарий ва амалий жиҳатдан кенгрок миқёсда кўрсатиб беради.

Пировардида методологиянинг мазмунига назар соладиган бўлсак, бу тушунчанинг маълум бир соҳадаги тадқиқотни, ўқитишни ёки фаолиятни қандай усуллар асосида амалга оширишни ўрганадиган, асослайдиган ва тизимлаштирадиган таълимот эканлигини кўриш мумкин. Яъни методология — методлар ҳақидаги билимлар тизими, уларнинг назарий асоси ва қўллаш қоидаларини ўргатадиган илмий-назарий усуллар мажмуаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, методологиянинг асосий мазмуни биринчи галда методлар тўпламини белгилар экан. Бунда қайси усуллардан қай ҳолатда, қандай амалга оширилишини аниқлаш лозим бўлади.

Иккинчидан методология методларнинг назарий асосини тушунтиради. Бунда нега айнан шу усул қўлланади, унинг илмий асоси нимада, деган саволларга аниқ жавоб берилади. Шунингдек, фаолият ёки тадқиқот учун умумий ёндашувни белгилайди. Бунда, яратилган умумий концепция, принциплар, қоидалар тизимидан фойдаланилади.

Учинчидан, методларни тизимли равишда ташкил қилиб, унинг усуллари ўртасидаги боғлиқликни, изчил қўллаш тартибини белгилаб беради. Бу ўз навбатида, тадқиқот стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос яратади. Натижада мақсадга эришиш-нинг умумий йўлини, аниқ вазифаларни белгилаш имкониятларини ҳам яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, методология бевосита методларнинг моҳиятини, уларни қўллаш қоидалари ва принципларини ўргатувчи, фаолиятни амалга оширишнинг илмий-назарий асосларини белгилаб берадиган таълимот эканлигига амин бўлиш мумкин. Хуллас, метод – амалий ечимларни тпишга йўналтирилган бўлса, методология илмий-назарий ва амалий ечимларни биргаликда ҳал қилишга қаратилганлиги билан ўзига хос хусусиятларга эга.

Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Обид Пардаев – мустақил тадқиқотчи, PhD

ИҚТИСОДИЁТГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Деталлаштириш деганда, мураккаб иқтисодий жараёнларни соддалаштириш ва улардан тўғри ва яхлит хулоса қилиш учун уларни алоҳида бўлақларга бўлиб ўрганиш жараёни тушунилади.

Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг методи деганда, ўз предметини ҳар томонлама ўрганиш, билиш, умумлаштириш, аниқлаш учун қўлланиладиган усул ва услублар тизимидан фойдаланиб, турли йўналишларни ифодаловчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар ўртасидаги ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилмай қолган ички имкониятларни (резервларни) очиб бериш ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тежамкорликнинг барча йўналишларига (вақт, маблағ, ресурс ва.х.к.) амал қилиш орқали унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва имкониятларни ишлаб чиқаш билан боғлиқ жараёнлар мажмуи тушунилади.

Ичимлик суви деганда, организмнинг ичимлик сувига бўлган талабини қондиришга қаратилган, санитария қоидаларига оид нормаларига ва давлат стандартларига мувофиқ тайёрланган, инсон соғлиги учун хавфсиз бўлган сув тушунилади.

Ичимлик сувини етказиб бериш хизматлари деганда, ичимлик сувини етказиб берадиган субъектлар томонидан ичимлик суви таъминоти тармоқлари орқали ёки транспортда истеъмолчиларга тегишли миқдор ва сифатда ўз вақтида узлуксиз равишда етказиб бериш тушунилади.

Концепция деганда, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий каби жараёнларнинг негизини англашда қўлланиладиган асосий ғоялар мажмусидан иборат атамалар тизими тушунилади.

Коммунал хизматлар деганда, маҳаллий ҳудуд ҳаёти билан боғлиқ уй-жой, транспорт, электр таъминоти, газ, сув ва ободонлаштириш каби аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш орқали баҳолашга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Кўп ўлчовли камбағаллик деганда, аҳолининг муносиб тўлақонли ҳаёт кечириши учун бир қанча имкониятлардан маҳрум бўлган ҳолда яшаши қийин бўлган аҳоли қатламини атрофлича ифодалайдиган индикаторлар мажмуи тушунилади.

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил фанининг мақсади деганда, маркетинг жараёнларини тадқиқ қилишда дуч келадиган қонуниятлар асосида содир бўладиган ўзгаришларнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини турли статистик ва таҳлилий усуллардан кенг фойдаланган ҳолда ўрганишга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил фанининг предмети деганда, маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш жараёнида дуч келадиган қонуниятлар асосида содир бўладиган ўзгаришларнинг миқдорий бирликларини турли статистик ва таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда ўрганишга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.

Маркетинг тадқиқотида статистик таҳлил (МТСТ) фанининг объекти деганда, маркетинг тадқиқотлари жараёнида ўрганилаётга хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлган ва бўладиган воқеликни ифодаловчи миқдорий кўрсаткичлар тушунилади.

Маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил фанининг методи деганда, мазкур фан диалектик методга асосланган бўлиб, унинг предметини макон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш, товарларнинг (иш, хизматларнинг) сотилишини кўпайтириш бўйича мавжуд ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш орқали маркетинг тадқиқотлари самарадорлигини ошириш ва келгуси истиқболни белгилаш борасидаги бошқарув қарарларини қабул қилишга қаратилган статистик ва иқтисодий таҳлил усуллари мажмуи тушунилади.

Метод деганда, муайян мақсадга эришиш учун бирор жараёни, илм-фанни, тадқиқотни, ўқитишни ёки бошқарувни тўғри ва самарали амалга ошириш учун танланадиган аниқ усуллар, йўл, ҳаракатлар мажмуаси тушунилади.

Методология деганда, методларнинг моҳияти, уларнинг илмий асослари, таркиби ва тузилишини ўрганувчи **назарий таълим**от тушунилади. Яъни методология — бу методлар тузилмаси, уларни қандай танлаш ва қандай қўллаш кераклигини белгилайдиган илмий-назарий фан ҳисобланади.

Синергетика дейилганда бирорта соҳани ривожлантириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида алоҳида алоҳида субъектлар кучларини бир жойга жамлаган ҳолда ҳаракат қилиш ёки бир куч билан узлуксиз ҳолда белгиланган мақсадга эришиш йўлида таъсир қилиш тушунилади.

Синергетик самара дейилганда бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани қўлга киритиш ҳамкорликда, барча дахлдор кучларни бирлаштирган ҳолда эришиш ёки битта кучни бир мақсад сари тизимли равишда йўналтириш эвазига эришиш тушунилади.

Солиққа тортилмайдиган (яшириладиган) сохта иқтисодиёт деганда, маҳаллий ҳокимият идоралари ва тегишли масъул идора ходимлари томонидан, ҳудуднинг иқтисодий-статистик кўрсаткичларини ўтган даврларга нисбатан ижобий томонга ўсишини таъминлаш мақсадида, хўжалик субъектларига турли таъсир (босим) ўтказган ҳолда, расмий ҳисоботларга сохта маълумотлар киритиб статистик кўрсаткичларни сунъий равишда ошириб (пасайтириб) кўрсатиш ҳолати тушунилади.

Сохта иқтисодиёт деганда, расмий секторга хос бўлган яширин иқтисодиётнинг намоён бўлишининг бир шакли бўлиб, унда хўжалик субъектлари томонидан пул маблағларини ноқонуний ўзлаштириш ҳамда иқтисодий-статистик кўрсаткичларни ижобий томонга ўсишини таъминлаш учун, расмий ҳисобот шаклларида сохта маълумотларни киритиш орқали амалга ошириладиган иқтисодий фаолият тушунилади

Стратегия деганда, узок, ўрта ва қисқа муддатларга мўлжалланган, бажарилиши шарт бўлган аниқ мақсадларни амалга оширилиши кўзда тутилган режалар мажмуаси тушунилади.

SWOT таҳлил деганда, таҳлил қилинаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини, имкониятлари ва таҳдидларини кенг миқёсда аниқлаб берадиган таҳлилнинг шакли тушунилади.

Туризмнинг ташкилий-иқтисодий механизми деганда, туризм иқтисодиётининг барча турларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастакларни ташкил этиш, уюштириш, унинг ишлаб чиқариш кучлари ва уларга мос келувчи ишлаб чиқариш муносабатларини ҳамда ҳуқуқий асосларини амалга оширишга қаратилган соҳани рақамлаштиришга асосланган инновацион чора-тадбирлар мажмуи тушунилади

Фаннинг методи - асосан шу фаннинг предметини ўрганиш усулидир.

Хўжалик механизми деганда, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатга келтирувчи турли воситалар ва усуллар мажмуи тушунилади.

Юқори технологик хизмат деганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг анъанавий хизматлардан ортиқ даражали усуллар, воситалар, операциялар мажмуини ўз ичига олган илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда қилинадиган ишлар билан боғлиқ наф келтирадиган онгли фаолияти тушунилади.

Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Обид Пардаев – мустақил тадқиқотчи, PhD

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.12.2025 йилда теришга берилди. 16.12.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0143А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.